ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ




# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАҚОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ

ЖИЗЗАХ – 2013

ўқитувчилари томонидан ташкил қилиналиган консультацияларида бола тарбиясини ташкил этиш бўйича тегишли маслаҳатлар олиши бу соҳадаги ишларга ижобий таъсир этади.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИДА СИНФДАН ТАШҚАРИ МУСИҚИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ

**Э.Абдукаримова, Д.Кудратова**
**Жиззах давлат педагогика институти**

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ўқув фанларнинг, шу жумладан мусиқа маданияти фани бўйича ўқув дастури ва дарслигига киритилган йил ва чорак мавзулари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларни бир-бирига мослаштириш ўқувчиларни умуммусиқий билим даражаларини ошиши ҳамда муский маданиятини шаклланишига самарали таъсир ўтказади. Умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти фанига ҳафталик бир соат ажратилиши ҳам ўқувчиларга давлат таълим стандарти ва ўқув дастури талаблари даражасида зарур билим ва тушунчалар бериш имконини чеклаб қўяди. Бу эса мусиқа ўқитувчилари олдига синфдан ташқари мусиқий фаолиятларни тизимли ҳолда, мусиқа маданияти фанидан ўқувчилар билим ва малакаларига қўйиладиган мезонларга мос тарзда ташкил этиш, ушбу фаолиятда ўқувчиларни мусиқий машғулотлар жараёнида ўзлаштиришга улгуролмаган ва ўзлаштириши зарур бўлган мусиқий билимларни пухта эгаллашларига эришиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ёндашишларини тақозо этади.

Бизга маълумки мусиқа таълими ва тарбияси бўйича синфдан ташқари фаолиятлар асосан икки йўналишда олиб борилади.

1. Мусиқий бадиий тўгараклар шакли.
2. Мусиқий оммавий тадбирлар шакли.

Мусиқий бадиий тўгараклар ҳар бир мактабда мусиқа санъатининг турли йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг қизиқишлари ва мусиқий-эстетик эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил этилади. Мусиқа санъати йўналишидаги тўгаракларни ташкил қилишда энг аввало мусиқа ўқитувчисининг имкониятлари ҳисобга олиниши лозим. Шундан сўнг тўгаракларга раҳбарлар четдан таклиф қилиниши мумкин. Лекин, барча тўгаракларда олиб бориладиган машғулотлар мусиқа ўқитувчисининг назоратида бўлиши ва машғулотлар мазмунида таълимий мақсад ва вазифалар, шу жумладан, турли кўрик-танловлар, маданий-оммавий тадбирларга, концертларга тайёргарликлар эътиборда тутилиши лозим. Бу ўз навбатида ўқувчиларни мусиқа санъатининг турли йўналишларида чолғучилик, хонандалик, рақс, замонавий эстрада, драма актёрлиги бўйича ўз қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириб боришларига зарур имконият яратади, иккинчи томондан мусиқий эстетик таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштиришга самарали таъсир кўрсатади.

Мусиқа дарслари жараёни учун ажратилган вақт ҳажми ҳар доим ҳам ўтилаётган дарс мавзусига оид назарий ва амалий ижрочилик билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни пухта ва тўлиқ эгаллаш имкониятини бермаслиги, мусиқа ўқитувчисидан тўгарак ва маданий-оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш (репитиция) жараёнида дарсда улгурмаган материалларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш учун қулай имконият яратади. Бу айниқса жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводхонлиги, мусиқа тинглаш ва таҳлил қилиш фаолиятларида олиб бориладиган таълим мазмунига кўпроқ тааллуқлидир. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи иложи борича тўгараклар турларини, уларнинг фаолиятини кенгайтиришга ва машғулотлар мазмунида мусиқа маданияти фани ўқув материалларини ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштириш ва олинган билим, кўникмаларни мустаҳкамлаб боришларига диққат эътибор қаратиши лозим бўлади.

Синфдан ташқари мусиқий фаолиятнинг иккинчи йўналиши мактабнинг маданий-маърифий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўтказиладиган ҳар қандай маданий-оммавий тадбирларнинг асосий субъектлари ўқувчилар ва мусиқа ўқитувчиси ҳисобланади. Ўқувчи-ёшларни турли байрамлар муносабати билан ўтказиладиган маданий-оммавий байрамларга жалб қилиш уларни мусиқий қобилият ва иқтидорларини кўпчилик олдида, саҳнада намойиш қилишлари, ўз устида мустақил ишлаш, изланиш, репитиция жараёнида ўз

маҳоратини янада такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга бу жараёнда уларда ўз ижодий меҳнатларидан завқланиш, янада юқорироқ мувоффакиятларга эришиш, шу йулда чидаш ва сабот билан меҳнат қилишга интилиш майллари кучаяди.

Ҳар қандай байрам мусиқасиз ўтмаганидек, байрамларнинг мусиқий-бадиий қисми байрамни байрам сифатидаги моҳияти, мазмуни, мақсадини ифода етувчи куй-қўшиқлар, саҳнавий кўринишлар орқали байрам шукуҳини беришга йўналтирилган бўлади. Байрам тадбирларида иштирок этувчи ўқувчилар оддий тингловчи-томошабинга қараганда кучлироқ бадиий-эстетик таъсир оғушида бўладилар ва бу уларни санъатни бадиий-эмоционал ҳис этишларига ҳамда маънавий-эстетик тарбиясига самарали таъсир этади. Бундай тадбирларга мунтазам қатнашувчи ўқувчилар ўз навбатида мусиқа тўгаракларининг ҳам энг фаол иштрокчиси, мусиқа ўқитувчисининг энг яқин ёрдамчиси ва мактаб жамоасининг фахрига айланади.

Республикамиздаги педагогика олий таълим муассасаларининг айрим "мусиқий таълим" йўналишларида бўлғуси мусиқа ўқитувчиларини оммавий-маданий тадбирлар фаолиятига тайёрлаш борасида "қўшимча фанлар" ҳисобидан ўқув машғулотлари йўлга қўйилган бўлса-да, бу борадаги ишлар кенг оммалаштирилмаганлиги, бўлғуси мусиқа ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларини маданий-оммавий фаолиятга жалб этиш орқали уларни бадиий-эстетик тарбиясини ва мусиқий маданиятини такомиллаштиришга тайёрлашнинг илмий-методик тизими ва технологик асослари ишлаб чиқилмаганлиги боис, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни синфдан ташқари фаолиятда мусиқий маданиятини такомиллаштириш муаммоси фақатгина уни ўрганиш босқичи ҳолатида эканлигини тасдиқлаш жоиз. Шунга кўра умумтаълим мактабларида синфдан ташқари мусиқий-тарбиявий ишларни аниқ мақсадли асосда йўлга қўйиш, мусиқий-назарий билим, кўникма ва малакаларни синфдан ташқари жараёндаги тўгарак машғулотлари, мусиқий-маданий ва оммавий байрам тадбирлари билан узвий ҳолда ташкил этиш бўйича методик тавсиялар, синфдан ташқари фаолиятда ўқувчиларни зарур умуммусиқий, мусиқий-назарий ва амалий ижрочиликка оид билим ва малакаларни эгаллашлари ушбу фаолиятни ташкил қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилишини тақозо етади. Синфдан ташқари мусиқий фаолиятни таълимнинг ўзига хос узвий қисми сифатида ташкилий-услубий мезонлари, шу жумладан, шу жараённинг намунали технологик моделлари, машғулотларни самарали усул ва воситалари, интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари, кўргазмали ва техник жиҳозлар, чолғу асбоблари, махсус жихозланган репитиция хонаси, саҳна безаклари, хуллас синфдан ташқари мусиқий фаолиятни самарадорлигини таъминловчи яхлит шарт-шароитлар мусиқа таълими олдига қўйилган талабларни амалга оширишда муҳим вазифалардир. Мусиқа ўқитувчилари томонидан мусиқа таълими ва тарбиясини синф ва синфдан ташқари фаолиятлар мужассамлигида олиб бориш мазмуни, жараёни, шакллари, услублари ва воситалари ва уни тизимли равишда йўлга қўйилиши бўйича изланишлар олиб борилиши айнан ҳозирги кун талабига мос келади.

## МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ РОЛИ

**А.Курахмедов Самарқанд ВПКҚТМОИ**

Ижтимоий тараққиёт жараёнида ёшларни миллий руҳда шаклланиши биз яратаётган миллий мафкурага ҳар томонлама жавоб бера олиши билан бошқа мафкуралардан тубдан фарқ қилади. Чунки бу мафкуранинг мазмун-моҳияти, ундаги ёшлар маънавияти ва дунёқараши ҳеч қандай давлат аралашувига асосланмайдиган, бевосита халқнинг куч-қудрати, маънавий камолоти, инсонпарварлик тамойилларига амал киладиган тарзда шаклланиб боради. Бугунги кунда "Олдимизда турган бундай эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан хаёт кечиришда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади". Бундан келиб чиқадики, миллий мафкурада тарихан таркиб топган халқ тақдири, юрт истиқболи, бир-бири билан уйғунлашиб кетган миллатларнинг эртанги фаровон келажаги, озод ва обод Ватан равнақи намоён бўлади.

МУНДАРИЖА

Кириш.................................................................................................................................. 3

I-ШЎЪБА. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ВА УНИ ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ

1. **Р.Каримов, П.К.Бердибеков, С.Убайдуллаев.**
Таълимда кенг кўламли ислоҳотлар – тараққиёт омили.......................................... 5
2. **М.Мусурмонова**
Маънавий-маърифий ишлар ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни...............................................................................6
3. **А. Т. Содиқов, Ж.Ж. Юлдашев**
Ёшларни маънавий онгини бойитишда миллий мафкуранинг ўрни...............................8
4. **Х. А.Тўрақулов, К. Мухиддинова**
Ёшлар онгига диний бағрикенглик ғоясини сингдиришда ислом маънавиятидан фойдаланиш ..................................................................................... 11
5. **Ҳ.А. Мустафоқулова, З.И. Қўйчиева, Н.М.Рустамова**
Маънавий-маърифий ишлар ва уларнинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишдаги роли.............................................................................. 13
6. **Б.Айтмуратов**
Ўсмирларни ўзлигини англашга ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатишнинг аҳамияти........................................................................................ 14
7. **У.Толлибоева, профессор А. Жонибеков**
Мактабгача таълим муассасаси ва оилада юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш асослари....................................................................................... 16
8. **И.Қудратов, Ф.Бобохонова,**
Мусиқий маданий тадбирлар эстетик тарбиявий муҳим шакли............................. 17
9. **М.Нигматова, С. Насимов, Х. Қўзиева**
Мактабгача таълим ёшидаги болаларда бурч ҳиссини тарбиялаш............................ 18
10. **З. Норбоева**
Талабаларни маънавий шакллантиришда оммавий ахборот воситалардан фойдаланиш..........................................................................................22
11. **Н.Абдулахатов, Н.Ахмедова.**
Ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда алломаларнинг ибратли хаётини ўрганишнинг аҳамияти ( XX аср охири XXI аср бошларидаги марғилон зиёлилари фаолияти мисолида)........................................................................... 23
12. **М.О. Муқимов** Болалар спортини ривожлантиришда миллий қадриятларнинг аҳамияти.............................................................................................24
13. **Х. Инатов, М.Зуфгарова.**
Абу али ибн сино ва унинг илмий меросларини ўрганиш...................................... 25
14. **О.Ражабов, Н.Курбонов, Ф.Атақулов**
Ёшлар характерининг шаклланишида билиш жараёнларининг ўрни....................... 27
15. **Ахмедов Ф, Атамуродов Ш, Номозов З**
Ўқувчиларга соғлом турмуш тарзи кечиришни шакллантиришда мутафаккирларнинг фикрларидан фойдаланиш................................................................ 28
16. **З. Ҳайдарова, Ё.Хожиматова**
Алломалар ўгитларининг баркамол инсон тарбиясидаги роли................................ 30
17. **М.Мусурмонова, Д.Фозилова**
Келажаги буюк давлатнинг ворисларини тарбиялайлик........................................ 31
18. **М.Сулаймонов С.Тўхтаева**
Меҳнат мотивацияси жараёнидаги қадриятлар..................................................... 32

19. **М. Жўраев, Г. Фатхиева**
Болалар ўйин кўникмалари - ўқувчи ёшларнинг естетик маданияти ва маънавиятини юксалтириш омили ........ 34
20. **Ш. Усанов, Г.Розиқова**
Бола тарбиясида оила-мактаб, маҳалла за жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ........ 36
21. **Е.Абдукаримова , Д.Кудратова**
Ўқувчиларни бадиий-эстетик тарбиясида синфдан ташқари мусиқий фаолиятнинг ўрни ........ 38
22. **А.Курахмедов**
Миллий мафкуранинг ёшлар тарбиясидаги роли ........ 39
23. **Ш.Низомова**
Мактабларда буюк аждодларимиз меросини ўрганиш – давр талаби ........ 41
24. **М.М.Жабборов, Я.Ҳайдарова.** Табиий фанларни ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш ........ 43
25. **А.Абдуманнотов, Д.Қурбонова.**
Талаба қизлар маънавиятини шакллантиришда темурий маликалар меросидан фойдаланиш ........ 44
26. **Х. Инатов, М.Зуфтарова**
Буюк инсонларнинг шаклланишида оиланинг аҳамияти ........ 48
27. **Л.Усанов Д.Фазилова** Ёшлар маънавий қиёфасининг шаклланишида мумтоз адабиётнинг ўрни ........ 49
28. **Г.А.Исоқова, Ж.Ж. Юлдашев**
Бола тарбиясида миллий ғоянинг ўрни ........ 51
29. **Б. Миркомилов**
Ўрта Осиёда уйғониш даври бадиий қадриятлари ........ 54
30. **Э.Маллаева, О. Маллаева**
Баркамол авлод маънавий етуклик белгисидир ........ 55
31. **Н. Жуманова**
Ўқувчиларда маънавий маданиятни шакллантириш ........ 57
32. **Ф.Б.Йўлдошев**
Амир Темур қарашларида тарбиявий ғоялар ........ 58
33. **Ҳ.Ҳамроқулов, Г.Эргашева**
Ёшлар тарбиясини шакллантиришда муассаса ва оила ҳамкорлигининг роли ........ 60
34. **У.Мингбоев Б.Маматов О.Тўрақулов.**
Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда интерактив хизматлар ........ 61
35. **М.Шамсиева**
Ўқувчиларни касб - ҳунарга йўналтиришда китоблар тарғиботининг аҳамияти ........ 63
36. **Н.У.Усманов, С.Мамаюсупова**
Маънавий-маърифий ишлар ва миллий ғоя тарғиботи ........ 65
37. **М.Туратова**
Мустаҳкам оила жамият таянчи ........ 66
38. **А.Ш.Тохириён**
Ёшлар интеллектуал улғайиши — маънавий-маърифий ишларнинг муҳим вазифасидир ........ 67
39. **М. Шокирова, Н.Аҳмеджонов**
Таълим-тараққиёт пойдевори ........ 69
40. **Г. Бозорова, С.Бозорова**
Тарбияси кийин ўсмирлар билан индивидуал ёндашувда тарбия самарадорлиги масалалари ........ 72
41. **Г.Исмоилов, Т.М.Маматкулов, Ш.Низомов**
Оила - меҳнат тарбияси ўчоғи ........ 74
42. **О.Ортиқов, Х.Хидиров**
Миллий маънавиятни шакллантиришда маънавий мерос масаласи ........ 75